


"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилояти чавондозлар
мактаби директори
И.Азизов



2022 йил

Сотувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун Арава, жихозлари етказиб бериш.

Танловнинг юкори қиймати – 4 200 000 (Турт миллион икки юз минг) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навоий вилояти чавондозлар мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Спутник курғони.

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Навоий вилояти чавондозлар мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:-

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсуе ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Буида ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб

юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
 Навоий вилояти чавондозлар
 мактаби директори танлов
 комиссияси раиси



И.Азизов
 2022 йил

Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун Арава жихозлари
 етказиб бериш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


Т/р	Асосий маълумот	Бажарувчи
1.	Объект номи:	Навоий вилояти чавондозлар мактаби
2.	Буюртмачи	Навоий вилояти чавондозлар мактаби
3.	Буюртмачи учун асос	Навоий вилояти чавондозлар мактабига Арава етказиб бериш , зарурий талабларга кура
4.	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий шаҳар Спутник курғони
5.	Қатнашувчи учун талаблар	Навоий вилояти чавондозлар мактабига Кондиционер, етказиб бериш , зарурий талабларга кура
6.	Тижорат таклифини тақдим этиш шартлари	1.Танловда қанашувчи корхона гувоҳномаси ва устави,Бухгалтирия баланс 1-шакл,Молиявий натижа 2-шакл тасдиқланган ҳолда 2.Коррупцияга қарши талаблар.684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт.Кафолат хати 3.Танловда иштирок этувчи фирма танловга қўйилган тавор сертификата Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги 4.Танловда қатнашувчи корхонани 1 (бир) йиллик банкнинг айланма маблағлар тўғрисида маълумотномаси тасдиқланган ҳолда 5.Талабгорнинг танловга куйилган махсулотларни омборида мавжудлиги тўғрисида кафолат хати тасдиқланган ҳолда. 6.Махсулотга бериладиган кафолат муддати тасдиқланган ҳолда кафолат хати.Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим. 7.Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа давлат идоралардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот

7.	Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Олдиндан 30% ва ишлар бажарилган кейин тақдим этилгансчёт фактурага асосан 70% тўлов
8.	Ишни бажариш муддати	2022 йил 31 декабргача
9.	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишларни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига ва нормаларига роия этиш шарт.
10.	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
11.	Шартнома тили:	Ўзбек тили.

Етказиб бериладиган товар руйхати

№	Номи	Улчов бирлиги	Нархи	Микдори	Сумма	Параметри
1	Арава	дона	3 000 000	1	3 000 000	Арава (отларга хашак ташиш учун 2 балонли)
2	Арава	дона	1 200 000	1	1 200 000	Галтак (ахлат ташиш учун)

Мактаб директори:



И.Азизов